

МЕҲР НУРИ ТАШКИЛОТИ

Qodirova Mamlakat, Mo‘minovna

Qarshi davlat universiteti O‘zbekiston tarixi kafedrasida tarix fanlari nomzodi, dotsent

Аннотация:

Ушбу мақолада бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган жамғарма ва ташкилотлар ҳақида, шунингдек, " Меҳр нури ташкилоти" туғрисида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: жамият, жамғарма, ташкилот, оила, тиббиёт, бирдамлик, маънавий, ривожлантириш

Бугунги кунда Ўзбекистон кучли фуқаролик жамияти қуриш йулидан борар экан, бу шароитда жамият ҳаётида туб ислохотлар ўтказиш ва модернизациялаш кундалик эҳтиёжга айланади. ХХI аср кишилиқ жамияти тарихида ва ҳаётида ривожланган «Ахборот технологиялари асри» сифатида кириб келди. Ушбу янги аср мамлакатлар, халқлар ва инсонлар ҳаётида, тарихида ўзининг улкан узгариши ва янгиланиши билан жуда катта тарихий роль ўйнади. Жамиятнинг бу ўзгариш ва модернизациялаш жараёнида барча соҳада амалга оширилаётган туб ислохотлар натижасида миллий қадрият ва анъналаримиз ҳам туб моҳиятини сақлаган ҳолда замон талабларига хос тарзда такомиллашди. Бу такомиллашув жараёнида жамиятнинг бир қатор ижтимоий институтлари фаол иштирок этади. Ўзбекистонда фаолият юритаётган жамғармалар ҳам шулар жумласидандир. Маълумки, биз замонавий компьютер ва телекоммуникация тизимлари ҳамда технологияларини янада ривожлантиришга ғоят муҳим этибор қаратмоқдамиз. Жумладан, бизнинг мамлакатимиз ҳам ушбу воқелиқдан четда қолмаган ҳолда ислохотлар жараёнига жадаллик билан кириб бормоқда. Зеро, бугун жамиятимиз олдида турган энг долзарб масала "...мамлакатимизни модернизация қилиш ва эркинлаштиришни, сиёсий ҳуқуқий ва иқтисодий тизимни демократик янгилашни, юртимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришни давом эттиришдир." Бу жараёнда албатта ижтимоийлашув институти сифатида жамғармаларнинг ҳам ўз ўрни бор албатта. Ўзбекистонда демократик жамият асослари мустаҳкамланиб боргани сари янги янги миллий ислохотларга таяниш, уларни замонавий мазмун-моҳият билан бойитиш ва ривожлантиришга бўлган эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам кучаймоқда. Бу – фуқароларнинг хоҳиш-иродаси, мақсад ва интилишлари, адолатли, эркин, демократик жамият барпо этиш туғрисидаги орзу-умидларини рўёбга чиқариш билан узвий боғлиқ бўлган зарурат ва вазифадир. Ушбу вазифа миллатнинг кўп минг йиллик давлатчилик тарихи аналарига суянган ҳолда амалда рўёбга чиқарилади. Жамғармалар дастлаб жамиятни

<https://conferencea.org>

Ўзини-ўзи бошқариши ва уни мустақил ижтимоий бирлик сифатида яшашини таъминлаш эҳтиёжлари манфаатлари асосида пайдо бўлди. Жамият сиёсий тизимида ижтимоий ташкилотлар билан бир қаторда оммавий жамоат ташкилотлари ҳам муҳим роль ўйнайди. Оммавий жамоат ташкилотлари ижтимоий сиёсий тузуми қандай бўлишидан қатъий назар барча мамлакатларда амал қилади. Аввало демократик жамиятни барпо этишда БМТ ҳужжати (меморандуми)да кўрсатилганидек 3 та (соҳа) секторнинг ўзаро ҳамкорлиги муҳим аҳмият касб этади. Булар: 1) давлат; 2) бозор (иқтисодиёти); 3) жамоат ташкилотлари. Учинчи сектор ҳақида гап кетганда улар таркибига: касаба уюшмалари (аввало буни ижтимоий ташкилотларнинг асоси сифатида ҳам қаралади), жамғармалар, ёшлар ва хотин-қизлар ҳаракатлари, касбий ассотсиатсиялар, клублар, академик институтлар ва бошқалар киради. Ўзбекистон Республикасида жамғармалар тузиш ва фаолият принциплари сифатида ихтиёрийлик, тенг ҳуқуқлилиқ, ўзини-ўзи бошқариш, ошкоралиқ, қонунийликни эътироф этишимиз мумкин. Уларнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагича тафсифланади:

1. Кўнгиллилик – уларнинг мутлақо ихтиёрий асосда тузилганлиги. Унда аъзоликнинг ва фаолият кўрсатишнинг ҳар бир фуқаронинг хохиши ҳамда розилиги билан амалга оширилади.
2. Мустақиллик – мавжуд қонунлар ва ўз низом қоидаларига кўра фаолият кўрсатиш. Бирор бир ўзга ташкилотнинг қонунсиз аралашувидан холи бўлиш.
3. Ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш. Низом мақсадларини амалга ошириш учун қонунчилик талабларига мувофиқ тадбиркорлик, ишлаб чиқариш – хўжалиқ ва бошқа ман қилинмаган фаолият билан шуғулланиш.
4. Ўз номидан келиб чиқиб, жамоатчилик, яъни кўпчилик учун хизмат қилиш. Ўзига тегишли маълум қатлам ёки гуруҳ манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ҳоказо.

Мамлакатимизда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ташаббуси билан тузилган ва кўнгилли, ўзини-ўзи бошқарувчи ташкилотлар хилма-хиллиги билан фарқланади. Ўзбекистонда фаолият юритаётган жамғармаларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

-Аҳоли муайян йирик тоифаларнинг ижтимоий манфаатларини кўзлаб ишлашга ихтисослашган ҳукуматга қарашли бўлмаган умуммиллий жамғармалар («Маҳалла», «Нуронийлар» жамғармалари).

-Ихтисослашган миллий ва халқаро жамғармалар («Экосан», «Соғлом авлод учун» жамғармаси, «Умид» жамғармаси, Амир Темур маданий-тарихий жамғарма, Матбуотни демократлаштириш ва журналларни қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси, Оролни қутқариш жамғармаси, Имом ал Бухорий халқаро жамғармаси, “Олтин Мерос”

<https://conferencea.org>

халқаро хайрия жамғармаси, Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси, “Ижод” фонди).

-Умумий хайрия жамиятлари, жамғармалари (Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Болалар уйи тарбияланувчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш жамғармалари “Сен ёлғи эмассан”, “Меҳр нури” “Фонд Форум” жамғармалари).

-Иқтисодиёт, молия, банк тизими ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга йўналтирилган жамғармалар, фондлар (Бюджетдан ташқари жамғариб бориладиган пенсия фонди, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси).

Шу ўринда «Меҳр нури» хайрия жамғармасига тўхталиб ўтсак, «Меҳр нури» хайрия жамғармаси нотижорат жамоат ташкилоти бўлиб, 2004 йил июль ойида фаолиятини бошлаган. Раҳм-шавқат, саховат, ҳамфикрлик ва маънавий бирдамлик асосида фаолият олиб боради.

«Меҳр нури» хайрия жамғармасининг мақсади ижтимоий ҳимоя дастурларини ўтказиш орқали мамлакатимизда хайрия фаолиятини амалга ошириш ва ривожлантириш ҳамда ёшларни қўллаб-қувватлаш бўлиб, кўп фарзандли ва кам таъминланган оилаларни моддий ҳамда молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш; тиббиёт, умумтаълим ва соғлиқни сақлаш, ёш авлод тарбияси масалалари билан шуғулланадиган бошқа ижтимоий муассасаларга ҳомийлик ёрдамини кўрсатиш.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу жамғарма оила, биринчи навбатда, эҳтиёжманд оилаларнинг муаммоларини ҳал этишда давлат ва жамият томонидан ғамхўрликни янада кучайтириш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш ва фарзандларни тарбиялашда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, муносиб ижтимоий-маиший шароитлар яратиш, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг рольини кучайтириш ва таълим ҳамда тарбия муассасалари билан ўзаро амалий ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг яқин ва самарали ҳамкорлигини таъминлашда катта аҳамиятга эгадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ВА МА’НАВИЯТ АСОСЛАРИ 7-СИНФ.Тўлдирилган ва қайта ишланган 5-нашри. ТОШКЕНТ «МА’НАВИЯТ» 2015 М. Қаршибоев ва бошқ., 2015

2. Ислом Каримов. Юксак манавият - енгилмас куч. Тошкент,«Манавият» нашриёти.

3. Ислом Каримов. Ватан ва халқ мангу қолади. Тошкент, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010-йил.

4.Қамариддин Усмонов. Ўзбекистон тарихи. ЎҚИТУВЧИ“ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ. Тошкент-2007.

10th-TECH-FEST-2022

International Multidisciplinary Conference

Hosted from Manchester, England

25th Jan. 2023

<https://conferencea.org>

5. Ш. Мирзиёев. Буюк келажигимизни мард ва олижаноб халқимиз билан қураимиз. - Т: "Ўзбекистон", 2017 й.

6. Ш. Мирзиёев. Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари. 4-том. - Т: "Ўзбекистон", 2020 й.